



رئاسة الشؤون الدينية  
بالمسجد الحرام والمسجد النبوي

Ўзбек

أوزبكي

صِفَةُ الْعُمْرَةِ

# Умранинг сифати



Муаллиф  
Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз

ح) جمعية خدمة المحتوى الإسلامي باللغات ، ١٤٤٦ هـ

بن باز ، عبدالعزيز  
صفة العمرة - أوزبكي. / عبدالعزيز بن باز - ط.ا. -. الرياض ،  
١٤٤٦ هـ

١٥ ص ؛ .بسم

رقم الإيداع: ١٤٤٦/١٤٩٥٩  
ردمك: ٨-١٣-٨٥٢٤-٦٠٣-٩٧٨

صِفَةُ الْعُمْرَةِ

## Умранинг сифати

سَمَاحَةُ الشَّيْخِ

عَبْدِ الْعَزِيزِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بَازٍ

رَحِمَهُ اللَّهُ

Муаллиф

Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## Умранинг сифати

Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин! Аммо баъд:

Ушбу рисола умра ибодати ҳақида қисқа кўрсатмалардан иборат бўлиб, ҳурматли китобхонга бунинг баёни:

Умра қилмоқчи бўлган одам мийқотга етиб келганидан сўнг ғусл қилиб, тозаланиши мустаҳабдир. Хотин қизлар ҳам, гарчи ҳайз ва нифос қони кўраётган бўлсалар-да, ғусл қилиб, тозаланадилар. Бироқ, қон тўхтаб, ғусл қилиб покланмагунларича, Каъбани тавоф қилмайдилар.

Эркак киши эҳром кийимларига теккизмаган ҳолда, баданига хушбўй нарсалар суриши мумкин. Агар мийқотда ғусл олишга имкони бўлмаса, зарари йўқ. Шу билан бирга Маккага етиб келгач, имкони бўлса, тавоф қилишдан аввал ғусл қилиши мустаҳабдир.

Эркак киши тикилган барча кийимларини ечиб, изор (бел ости лунгиси) ва ридо (бел усти лунгиси) боғлайди. Эркаклар оқ рангдаги изор ва ридо боғлашлари мустаҳаб.

Хотин-қизлар эса, зийнат ва шуҳрати бўлмаган оддий кийимларни кийиши – эҳром боғлашидир. (Лекин ниқоб ва қўлқопларини ечиб қўл ва юзларини бошқа матолар билан маҳрам эмас эркаклардан тўсадилар)

Сўнгра қалби билан ибодатга киришишни ният қилади ва тили билан: «лаббайка Аллоҳумма умратан» ёки «Аллоҳумма лаббайка умратан, дейди.

Маъноси: Аллоҳим, сенинг барча ҳукмларингга тайёрман ва умрага ният қилдим.

Агар эҳромдаги одам касаллиги, душманнинг хатари ва шу кабилар сабабли ибодатини адо эта олмай қолишдан қўрқса, эҳромга кириш пайтида:

فَإِنْ حَبَسَنِي حَاسِبٌ، فَمَجَلِي حَيْثُ حَبَسْتَنِي

Фа-ин ҳабасани ҳаабисун фа-маҳаллий хайсу  
ҳабастаний

«Агар мени бирон тўсиқ тўсса, ўша ер менинг эҳромдан чиқиш еримдир», деб шарт қилади. Бунинг далили Зубоъа бинт Зубайр ривоят қилган ҳадис.<sup>1</sup>

Эҳром боғлагандан сўнг, Расулуллоҳ

---

<sup>1</sup> Сунан Кубро Байҳақий (10117).

соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтган талбияни айтади:

لَبَّيْكَ اللَّهُمَّ لَبَّيْكَ، لَبَّيْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ لَبَّيْكَ، إِنَّ الْحَمْدَ وَالنِّعْمَةَ لَكَ وَالْمُلْكَ،  
لَا شَرِيكَ لَكَ

«Лаббайкал-лоҳумма лаббайк! Лаббайка ла шарика лака лаббайк! Иннал-ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк, ла шарика лак».

У Масжидул-Ҳаромга «Каъбага» етгунча талбия ва Аллоҳнинг зикрини кўпайтиради ҳамда Аллоҳга кўп-кўп дуо қилади.

(Худди саҳобалар қилгандай эркаклар овозларини баланд кўтарадилар аёллар эса паст овозда айтадилар.)

Масжидул-Ҳаромга етиб келгач, худди бошқа масжидлардагидек, эшикдан ўнг оёғи билан кириб:

بِسْمِ اللَّهِ، وَالصَّلَاةِ وَالسَّلَامِ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ، أَعُوذُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ  
وَبِوَجْهِهِ الْكَرِيمِ، وَسُلْطَانِهِ الْقَدِيمِ، مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ  
اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ

«Бисмиллаҳ, вассолату вассаламу ала расулиллаҳ, аъзузу биллаҳилазийм ва би важҳиҳил-карийм ва султониҳил-қодийм минаш-шайтонир рожийм. Аллоҳуммаф-таҳлий абваба роҳматик».

(Аллоҳнинг номи билан. Аллоҳнинг расулига салавот ва саломлар бўлсин. Мен Буюк Аллоҳдан, Унинг буюк юзи ва қадимий

султонлиги билан (Аллоҳнинг раҳмат даргоҳидан) қувилган Шайтондан паноҳ сўрайман. Аллоҳим, мен учун раҳматинг дарвозаларини оч!) – дейиши суннатдир.

Каъбага етиб келгач талбия айтишни тўхтатади ва Қора тош-Ҳажарул-асвадни қасд қилади-да, унинг қаршисига юриб, уни ўнг қўли билан силайди ёки имкони бўлса, ўпади. Одамларга озор бермайди. Силаш пайтида: «Бисмиллаҳи валлоҳу акбар» (Аллоҳнинг исми билан ва Аллоҳ буюқдир) ёки «Аллоҳу акбар» (Аллоҳ буюқдир), дейди. Агар ўпиш имкони бўлмаса, қўли ёки ҳассаси ва шунга ўхшаш бирор нарса билан силайди ва силаган нарсасини ўпади. Агар силаш имкони ҳам бўлмаса, қўли билан ишора қилади ва: «Аллоҳу акбар» (Аллоҳ буюқдир)- дейди. Ишора қилган нарсасини ўпмайди.

Тавоф тўғри-саҳиҳ бўлиши учун тавоф қилаётган одамнинг ғусли ва таҳорати бўлиши керак. Чунки тавоф ҳам намоз сингари бўлиб, фақат унда гапиришга рухсат берилган.

Тавоф қилар экан, Каъба унинг чап тарафида бўлишига диққат қилинади ва уни етти марта

тавоф қилинади. Агар ўнг тараф – «рукнул-ямоний»га етиб келинса, уни ўнг қўл билан силанади ва: «Бисмиллаҳи ва Аллоҳу акбар» дейилади. «Рукнул-ямоний»ни ўпилмайди. Агар силаш имкони бўлмаса, силамай тавофда давом этилади: унга ишора ҳам қилинмайди ва такбир ҳам айтилмайди. Чунки бу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақл қилинмаган.

Ҳажарул-асвадга етиб келгач, юқорида зикр қилинганидек, уни силанади, ўпилади ва такбир айтилади. Бўлмаса, унга ишора қилиниб, такбир айтилади. Эркакларгагина «қудум» - келиш тавофи асносида биринчи уч тавофда «рамл» - кичик қадамлар билан тез юриш, мустаҳабдир. Қудум тавофининг илк уч даврида фақат эркаклар учун рамал — яъни қадамларни қисқароқ ва тезроқ қўйиб юриш — мустаҳабдир.

Бундан ташқари, эркакларнинг «қудум» тавофининг барча шавт-марталарида ридоларининг ўртасини ўнг елкаларининг остига ва икки тарафини чап елкаларининг устига қўйишлари мустаҳаб. Изтибо — бу



ридониңг ўртасини ўнг елкаси остига, икки учини эса чап елкаси устига қўйишдир.

Шунингдек, барча шавтларда имкони борича Аллоҳнинг зикри ва дуоларнинг кўп айтилиши мустаҳаб.

Тавофда ўқиладиган махсус дуо ва махсус зикр йўқ. Аксинча, билган зикр ва дуолар ўқилаверади. Икки рукн ўртасида:

﴿...رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ﴾

«Роббана аатина фид-дуня ҳасанатан ва фил-аахироти ҳасанатан ва қинаа азабаннаар» (Раббимиз, бизларга дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликлар ато эт ва жаҳаннам азобидан сақла!) дуосини [Бақара: 201] ҳар бир шавтда айтилади. Чунки бу, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан собит бўлган.

Еттинчи шавтни, юқорида зикр қилинганидек, имкони бўлса Ҳажарул-асвадни ўпиш ёки силаш ёки ишора қилиш ва такбир айтиш билан тамомлайди. Бундан сўнг ридони ёпинилади: елкага ташланиб, учлари кўксида бўлади.

Сўнгра Мақом(и Иброҳим) орқасида, имкони

бўлса, икки ракаат намоз ўқийди. Агар имкони бўлмаса, масжиднинг ҳар қайси ерида ўқиса ҳам бўлаверади. Унинг биринчи ракаатига Фотиҳадан сўнг «Кофирун», иккинчи ракаатида эса «Ихлос» сураларини ўқийди. Шундай қилгани афзалроқ, агар бошқа сураларни ўқиса ҳам бўлаверади. Икки ракаатни тугатганидан сўнг, имкони бўлса Ҳажарул-асвад томон юрийди.

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ 1﴾

«Қўл яа айўҳал-каафируун» сурасини [Кафирун: 1]. биринчи рақъатда

﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ 1﴾

«Қўл ҳуволлоху аҳад» сурасини [Ихлос: 1] иккинчи рақъатда ўқийди. Мана шу афзал! Бошқаларини ўқиса ҳам бўлади. Сўнгра икки рақъатни ўқиб битгач Ҳажарул асвадни ўнг қўли билан ушлайди. Тавофнинг икки рақъатидан сўнг замзам сувидан ичиш суннатдир.

Сўнгра Сафо (тоғи) тарафига бориб, унинг устига чиқади ёки ёнида туради. Чиқиш афзалроқ. Биринчи шавтни бошлашдан аввал:

﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِن شَعَائِرِ اللَّهِ...﴾

«Иннас-Софа вал-Марвата мин шаъоириллаҳ» - "Сафо ва Марва (тоғлари) Аллоҳнинг ибодат қилинадиган ерларидир" оятини охиригача ўқийди. [Бақара: 158].

Қиблага юзланиб туриши, Аллоҳга ҳамду тақбир айтиб:

Маъноси: «Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. У шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У барча нарсага қодир. Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. У ваъдасининг устидан чиқди, бандасини ғолиб этди, гуруҳларни ёлғиз Ўзи мағлуб қилди» деб қўлларини кўтариб дуо қилиши ва бу зикр ва дуоларни уч марта такрорлаши мустаҳаб.

"اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، اللَّهُ أَكْبَرُ اللَّهُ أَكْبَرُ وَلِلَّهِ الْحَمْدُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ أَنْجَزَ وَعْدَهُ، وَتَصَرَّ عَبْدُهُ، وَهَرَمَ الْأَحْرَابَ وَحْدَهُ".

«Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Лаа илааҳа иллаллоҳ, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, ва лиллаҳилҳамд. Ла илаҳа иллаллоҳ ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳулҳамд ва ҳува ʔала кулли шайъин қадир. Ла илаҳа иллаллоҳ ваҳдах, анжаза ваъдах, ва насора ʔабдах, ва

ҳазамал аҳзаба ваҳдаҳ».<sup>1</sup>

Маъноси: «Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. У шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У барча нарсага қодир. Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. У ваъдасининг устидан чиқди, бандасини ғолиб этди, гуруҳларни ёлғиз Ўзи мағлуб қилди» деб қўлларини кўтариб дуо қилиши ва бу зикр ва дуоларни уч марта такрорлаши мустаҳаб.

Қўлдан келгунча дуо қилади. Сўнгра уч маротаба зикр ва дуони таркрорлайди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиблага қараб шундай қилганлар. Сўнгра ундан тушиб Марва томонга қараб биринчи яшил белгига етгунча юради. У ерга етгач иккинчи белгигача эркак киши секин югуради.

Хотин-қизлар эса, югуриши шариатда кўрсатилмаган. Чунки улар авратлар. Сўнгра юришда давом этиб, Марва тоғига чиқади ёки ёнида туради: тоғнинг устига чиқиш афзалроқ. Марва тоғида ҳам Сафо тоғида бажарган ибодатларини бажаради. (Бироқ, юқорида зикри ўтган оятни ўқимайди. У оятни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан намуна олиб, фақатгина биринчи шавтда Сафо

---

<sup>1</sup> Муслим ривояти 1218.

тоғидагина ўқилади, холос) Кейин тоғдан тушиб, Сафо тоғига етиб борилгунига қадар секин юриладиган ерда секин, югуриладиган ерда югурилади. Етти шавт шу каби адо этилади: Бориш бир, қайтиш эса алоҳида бир шавт ҳисобланади. Хусусан, эҳтиёж бўлса, бирон нарсани миниб юрса, зарари йўқ. Кимки сайни улов (машина, арава ва ҳ.к.)да қилса, унда ҳеч қандай муаммо йўқ, айниқса, эҳтиёж бўлганда. Саъй вақтида зикр ва дуоларни кўпайтириш ҳамда катта ва кичик таҳоратсизликдан пок бўлиш мустаҳабдир.

Юриш асносида кўп зикр ва дуолар қилиш мустаҳабдир. Бу юришда ҳам ғуслли ва таҳоратли бўлиш керак. Таҳоратсиз юрса зарари йўқ.

Агар юриш-саъй ниҳоясига етса, эркаклар сочларини қиришлари ёки қисқартишлари зарур. Қириб ташлаш афзалроқ. Агар Маккага келиш пайти ҳаж мавсумига яқин бўлса, сочларни қисқартиш афзал. Чунки сочининг қолган қисмини ҳаж мавсумида қириб ташланиши мумкин. Хотин-қизлар эса сочларини тўплаб унинг учидан бир бармоқ

бўғимича ёки ундан озроқ қирқишлари етарли. Эҳром боғлаган одам юқорида зикри ўтган амалларни қилса, умра ибодати тугайди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Унга эҳром боғлаши билан ҳаром бўлган барча нарса ҳалол бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умрани тугатгач икки ракъат намоз ўқимаганлар. Ким У зотни яхши кўрса У зот каби амал қилади.

{لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ  
الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا 21}

«Батаҳқиқ, сизлар учун, Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулulloҳда гўзал ўрнак бор». [Аҳзоб: 21]

Аллоҳ таъоло бизларни ва барча мусулмон биродарларимизни Ўз динида фақиҳ ва собитқадам бўлишга муваффақ қилсин ҳамда барчадан ибодатларини қабул қилсин! Дарҳақиқат, У саҳоватли Карим Зотдир.

Аллоҳ таъоло пайғамбаримиз, У кишининг оиласи, саҳобалари ва қиёмат кунига қадар яхшилик билан эргашган кишиларга салавот ва саломлар йўлласин.

## Умра ибодатининг қисқача баёни

Саудия Арабистонининг муфтийси шайх Абдулазиз ибн Боз раҳимахуллоҳнинг идораси томонидан 1416-йил Сафар ойининг 13-куни чиқарилган.

(Шайх Ибн Бознинг «Фатво ва мақолалар тўплами», 17-жилд, 425-бет).





# رسالة الحرمين

## Ҳарамайн рисоласи

Масжидул Ҳаром ва Масжидаи Набавий зиёратчилари  
учун ҳар хил тилдаги йўриқномалар



978-603-8524-13-8

